

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВ МИРЗАОЛИМ МИРЗАРАХМАТОВИЧ**

**ПАХТА ЧИҚИНДИЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ҚУРИЛМАСИНИ**  
**ЯРАТИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва**  
**робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническому наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Султонов Мирзаолим Мирзарахматович**

Пахта чиқиндиларига ишлов бериш қурилмасини яратиш ва  
параметрларини асослаш..... 3

**Султонов Мирзаолим Мирзарахматович**

Создание устройства переработки хлопковых отходов и обоснование его  
параметров..... 27

**Sultonov Mirzaolim**

Creation and justification of the parameters of the device for processing  
cotton waste..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТОНОВ МИРЗАОЛИМ МИРЗАРАХМАТОВИЧ**

**ПАХТА ЧИҚИНДИЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ҚУРИЛМАСИНИ**  
**ЯРАТИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва**  
**робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1139 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасига [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Обидов Авазбек Азаматович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мухаммадиев Давлат Мустафоевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Эргашев Жамолиддин Саматович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 7 ноябрь соат 09<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳар, Косонсой, 7-уй. тел: (+99869) 225-10-07, факс: 228-76-75; e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертацияси иши билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (388-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07

Диссертация автореферати 2020 йил 2 ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 2 ноябрдаги. № 26 рақамли реестр баённомаси).



*Муратов*

**Р.М.Муратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**О.Ш.Саримсақов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, техника фанлари доктори, профессор

**Қ.М.Холиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий  
семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Жаҳон тўқимачилик саноатининг асосий хомашёси пахта толаси бўлиб, ҳар йили жаҳон миқёсида 23-24 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда. Интенсив равишда ортиб бораётган аҳоли сони ҳисобига пахта толаси истеъмоли ва унга бўлган талабнинг истиқболда ортиб бориши кутилмоқда»<sup>1</sup>. Шунинг учун, жаҳон миқёсида пахта етиштириш, унинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш, пахтани тайёрлаш ва дастлабки ишлаш жараёнларида, хусусан пахтани териш, ташиш, қуриштириш, ифлосликлардан тозалаш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи автоматлашган, ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида пахтага дастлабки ишлов бериш натижасида пахта толаси, чигит ва линтдан ташқари катта миқдорда, бир нечта фракциядаги толали чиқиндилар чиқади. Ушбу йўналишда, жумладан, саноатда ишлатишга яроқли толаларни чиқиндига чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган толадор маҳсулотларни ишлаш, фракцияларга саралаш, узун толаларини ажратиш жараёнларининг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда ва ривожлантирилмоқда, илмий ҳажмдор, автоматлашган ажратиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, замонавий ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали пахта маҳсулотлари истеъмол хусусиятларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари пахта толаси ва чигитининг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва ишлаб чиқариш таннархини камайтириш имкониятини берадиган технология ва ускуналарни, ишлаб чиқилган толадор чиқиндилар (линт, улюк) дан саноатга ишлатишга яроқли толаларни ажратиш ва технологик машиналарга узатиш ускуналарининг ресурстежамкор конструкцияларини яратиш ва параметрларини оптималлаштириш мазкур йўналишни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Республикамизда етиштирилаётган пахта хомашёсидан юқори сифатли тола ишлаб чиқариш ва уни чуқур қайта ишлаш асосида кенг ассортиментдаги юқори сифат ва паст таннархга эга бўлган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup>, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

<sup>1</sup> International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2018

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан пахтани жинлаш, линтерлаш ва тола тозалашнинг самарали технологияларини яратиш, пахта толасини ишлаб чиқаришда табиий сифатини сақлаш ҳамда уни чиқиндиларга қўшилиб чиқиб кетишини олдини олиш замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони, «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада пахтани дастлабки ишлаш технологияси, хусусан, толадор чиқиндиларни фракцияларга саралаш, толаларни тозалаш ва корхонада тола ишлаб чиқаришни ошириш технологиясининг фундаментал-назарий, амалий ва методологик асосларини яратиш бўйича Р.В.Корабельников, Е.Ф.Будин, Э.Т.Максудов, Х.Т.Ахмедходжаев, С.А.Самандаров, Р.Мурадов, О.Саримсаков, М.Абдувахидов, Р.Сулаймонов, Э.Гойибназаров, А.Обидов ва бошқалар изланишлар олиб борганлар.

Чиқиндилардан тола ажратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишларга қарамай, бу жараённинг айрим жиҳатлари тўлиқ очиб берилган эмас, хусусан, толадор чиқиндилар – улюк ва линт таркибидаги саноатбоп ва йигиришга яроқли толаларни ажратиш технологиясини яратиш ҳолатлари мукамал даражада ўрганилмаган, калта толалар таркибидан нормал толани ажратишда ишчи органлар ҳамда таъсир қилувчи омиллар параметрларининг мақбул қийматларини ўрнатиш масалалари ўз ечимини топмаган. Бундан ташқари, линт ва улюк таркибидан саноатбоп толаларни ажратиш вақтида игнали барабанларнинг оптимал параметрларини аниқлаш ҳамда толадор массани барабанларга йўналтириш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридагиларга биноан, корхонада тола ишлаб чиқаришни оширишни таъминловчи технологияларни жорий қилиш имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш, маҳсулот сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-2-23 Пахта тозалаш корхонасида тола миқдори ва линт сифатини ошириш имконини берувчи янги қурилма яратиш (2015-2016), ЁОТ-Атех-2018-92 «Чиқиндилар таркибидан узун толаларни ажратиб олиш мақсадида аррали гарнитураларнинг оптимал параметрларини аниқлаш» (2018-2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** толали чиқиндилардан тола ажратиш қурилмасининг рационал конструкциясини яратиш ва корхонага жорий қилиш орқали тола ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

тола ажратиш қурилмасининг асосий ишчи органларининг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ҳамда тола билан ЦМПЛ тишларининг таъсирлашув жараёнини назарий ўрганиш;

қурилма ажратиш барабанлари арраларида тола ҳаракатини тадқиқ қилиш ҳамда математик моделлаштириш орқали ажратиш жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг мақбул қийматларини аниқлаш;

тола ажратиш қурилмасининг экспериментал конструкциясини яратиш ва унинг самарали ишлашини асослаш;

тола ажратиш қурилмасида ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ҳамда ажратиб олинган толаларнинг хусусиятларини ўрганиш;

қабул қилинган техникавий ечимлар самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта тозалаш корхоналарида толадор чиқиндилардан йигиришга яроқли толаларни ажратиш қурилмаси ва пахта толаларини жинлаш ва линтерлаш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тола ажратиш қурилмаси конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотлар олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий ўлчаш усул ва воситаларидан фойдаланиб экспериментларни режалаштириш, ўтказиш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чиқинди таркибидаги толаларни ажратиб олиш усул ва воситалари таҳлиллари асосида толали чиқиндилар таркибидан саноатда ишлатишга яроқли толаларни ажратиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

тола ажратиш қурилмасининг ажратувчи барабанига толадор массанинг таъсири ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда барабан ва унинг вали мустаҳкамлигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ажратувчи барабанларнинг толали массадан узун толаларни ажратиб олиш имкониятини ҳамда ундаги толалар ҳаракатини таҳлил қилган ҳолда, янги қурилма ишчи органларининг параметрлари аниқланган;

тола ажратиш қурилмасини ишлаб чиқариш шароитида синаш натижаларини инобатга олган ҳолда, тишли гарнитурали барабанлар параметрлари экспериментал усулда аниқланган;

толали чиқинди таркибидан толани ажратиб олиш жараёнини режали тажрибалар асосида ўрганиш натижаларини инобатга олиб, қурилмада тола ажралиши даражасини баҳолашнинг математик-статистик усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

толадор чиқиндилар таркибидан йигиришга яроқли ва саноатда ишлатиш мумкин бўлган толаларни ажратиб олувчи қурилма ишчи органлари конструкцияси, параметрлари ва ишлаш режимлари асосланган;

қабул қилувчи барабан ён деворига титгичлар ўрнатиш орқали толадор массани титиш интенсивлигини ошириш, ажратувчи асосий барабан олд деворига йўналтиргич ўрнатиш йўли билан, унга узун толаларни максимал узатиш имкониятини берувчи қурилма ишлаб чиқилган;

иккита барабанли чиқиндилар таркибидан тола ажратиш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган, назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш орқали рационал параметрлар аниқланган ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали сезиларли иқтисодий самара олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган ишчи органлари бўлган тола ажратиш қурилмасининг ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд қурилмалар кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти игнали барабан юзаси бўйлаб толадор массанинг ҳаракатланиши ҳамда узун толаларнинг ажралиш қонуниятини аниқланганлиги, барабан арралари ҳамда вали мустаҳкамлини аниқлаш қонуниятини ишлаб чиқилганлиги ва тола ажралиш жараёни математик моделлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра яратилган янги тола ажратиш технологияси ва қурилмасининг толадор чиқиндиларни титиши, йигиришга яроқли толаларни ажратиб олиши ҳамда саноатбоп тола жаратиш жараёни самарадорлигини таъминлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта толасини толадор чиқиндилар таркибидан ажратиб берадиган технологияни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

толали чиқиндилар таркибидан саноатда ишлатишга яроқли толаларни ажратиш қурилмаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тассаруфига кирувчи “Косонсой пахта тозалаш” корхонасига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 30 июлдаги 03-18/2051-сон маълумотномаси). Натижада чиқиндилар таркибидан тола ажратиш самарадорлигини 5,0÷6,0 %, тола чиқишини 0,22 % га ошириш имкони яратилган;



толали чиқиндилар таркибидан саноатда ишлатишга яроқли толаларни ажратиш олиш жараёни рационал параметрлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тассаруфига кирувчи «Косонсой пахта тозалаш» корхонасига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 30 июлдаги 03-18/2051-сон маълумотномаси). Натижада курилма иш унумдорлиги ўртача 400 кг/соатга ошган ҳамда электр энергияси сарфи соатига 4 кВтгача камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 6 та турли илмий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро, 3 та Республика конференцияларида ва 1 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижалари амалиёти, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Толали чиқиндиларга ишлов бериш бўйича мавжуд илмий-тадқиқот ишлари шарҳи»** бўлими адабий манбаларни аналитик таҳлилга ва толали аралашмалардан узун толаларни ажратиш техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ушбу бобда корхонада толаларни йўқолиш ҳолатлари, толадор чиқиндилар таркибидан йигиришга яроқли толаларни ажратиш олиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Пахта тозалаш корхонасида жинлаш жараёнидан сўнг пахта толалари турли ифлосликлардан тозалаш жараёнларидан ўтказилиб пресслашга юборилади. Жиндан чиққан чигитлар эса линтерлаш, делинтерлаш каби жараёнларга юборилади ва улардан линт (момик) ва улюк каби толали маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Пахта чигитини линтерлаш ва делинтерлаш, яъни чигитдан жинлашдан кейин қолган тола ва калта толани ажратиш асосий жараён сифатида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Пахта тозалаш корхоналарида чигитли пахтани дастлабки қайта ишлаш жараёни натижасида

тола, калта тола, уруғлик ва техник чигит, тук ва улюк махсулотлари олинади.

Юқоридаги масалаларни ўрганиб ва таҳлил қилган ҳолда тадқиқотда линтердан чиққан толали махсулотлар таркиби ўрганиб чиқилди. Тўқимачилик корхонасининг қимматбаҳо хом ашёси бўлган пахта толасининг ўртача 1,5-2,0 % жиндан чиққан ҳамда 0,3-0,4 % линтердан кейинги толали махсулотлар ва чиқиндилар таркибига кўшилиб кетади. Бу, аввало қимматбаҳо толанинг йўқолишига, иккинчи томондан линт сифатининг бузилишига олиб келади. Жин, тола тозалаш ва бошқа жараёнлардан чиқаётган толадор чиқинди юқори навда масса таркибидаги саноатбоп ҳамда йигиришга яроқли толалар ҳам пресслашга ўтиб кетади.

Улюк таркибидаги тоза толалар жин машиналари томонидан пахта чигитининг толалари тўлиқ ажратиб олинмаслиги натижасида юзага келади. Пахта тозалаш корхонаси чиқиндилари таркибидаги толаларнинг ўртача узунлиги 26,5-27,2 мм оралиғида бўлиб, агар улар таркибидаги калта толалар ва хас чўпларни ажратиб олинмаган бўлса, узунлиги 20 мм дан юқори бўлган толалар 55-47 % оралиғида бўлади. Бошқача қилиб айтганда улюк таркибида 50 % атрофида тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш учун яроқли толалар бор. Пахта линти таркиби ўрганилганда уни ип йигириш учун яроқли гуруҳга киритилиши жуда катта самара бермайди. Бироқ линт таркибидаги толаларни нисбий узилиш кучи қуйи нав пахта толалари ва улюк чиқиндиси кўрсаткичлари билан таққосланганда кескин фарқланмаслиги кузатилади. Шунинг учун линт таркибидаги толаларни ажратиб олиш ва улардан саноатда турли тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш лозим.

Амалий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида толали улюкни, йигирилувчанлик хоссаси аниқланганда у анча юқори ва ипни минимал чизиқли зичлиги йўғон иплар гуруҳига тўғри келади. Бу эса ушбу чиқиндини ип йигиришда ишлатиш мумкинлигини кўрсатади. Линт таркибида узун толаларнинг бўлиши кимё саноатида уни қайта ишлашни қийинлаштиради ва одатда узун толаларни кесиб–майдалашни тақазо қилади. Бу эса кўшимча сарф–ҳаражатларга олиб келади.

Ишлаб чиқарилаётган линт сифатини яхшилаш ва тола миқдорини ошириш учун чиқиндилар таркибидаги фракцион аралашмани толадорлик даражаси ва ифлослиги бўйича ўрганиш вазифаси қўйилади. Толадор чиқиндиларни толадорлик даражаси бўйича қуйидаги фракцияларга бўлиш тавсия қилинган:

- ифлосликлар; - 5 мм гача бўлган толалар; - 5-10 мм бўлган толалар; - 10-16 мм бўлган толалар; - 16-22 мм узун бўлган толалар.

Ушбу бобда толадор аралашмаларга ишлов берувчи бир нечта машиналарнинг ишлаши ўрганилди, таҳлил қилинган қурилмаларнинг барчаси толадор материалга ишлов бериш учун ишлатилади. Тадқиқотларда кўриб чиқилган қурилмаларнинг асосий ишчи органи ҳисобланган аррали барабанлар, кўриб ўтганимиздек толадор массани самарали титиш, ушлаб туриш ҳамда ажратиш имконини беради, шунинг учун бизнинг

тадқиқотларимизда ҳам толадор чиқиндиларга ишлов беришда мазкур ишчи органлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Таҳлил қилинган толадор чиқиндилардан толаларни ажратиш қурилмаларида материал ва энергия сарфи юқорилиги ҳамда фракцияга саралаш ноаниқлиги уларнинг самарадорлигини пасайтиради, бир вақтнинг ўзида толаларни ажратиб олиш имконияти йўқлиги сабабли айрим ажратиш қурилмаларида қўшимча технологияларни жорий этиш зарурияти туғилади.

Ҳозиргача ишлатиб келинган қурилмалар ишини таҳлил қилиш орқали содда конструкцияга эга, юқори ишончлилик ва самарадорликда ишлайдиган янги технология ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатди ҳамда мазкур йўналишда тадқиқотлар ўтказиш мақсадини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс тадқиқотларни ўтказиш натижасида жинлаш, тола тозалаш, линтерлаш каби жараёнлардан чиқаётган толадор массага ишлов беришнинг самарали технологиясини яратиш ҳамда амалиётга жорий қилиш орқали қўшимча тола олиш ҳамда линтнинг талаб қилинган сифатини таъминлашдан иборат. Толадор маҳсулотларига ишлов беришнинг бу технологияси толадор чиқиндилардан саноатда ишлатишга яроқли толаларни ажратиб олиш имкониятини берадиган қурилма яратиш ва натижада маҳсулот сифат ва миқдор кўрсаткичларини яхшилашни кўзда тутади.

Диссертациянинг иккинчи «**Тола ажратиш қурилмаси тажриба нусхасини танлаш ва самарали ишлашнинг асослаш**» бўлимида асосан янги қурилмани танлашда ўтказилган назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Пахта тозалаш корхоналарида жинлаш ва линтерлашдан чиқаётган толадор масса таркибидаги йигиришга яроқли толалар ҳам пресслашга ўтиб кетади. Масса таркибидаги узун толалар жин машиналари томонидан пахта чигитининг толалари тўлиқ ажратиб олинмаслиги натижасида юзага келади. Тўлиқ жинланмаган чигит одатда регенератор ёрдамида умумий массадан ажратиб олинади ва жин машинасига қайтариб ташланади. Аммо бу ҳолат жин меҳнат унумдорлигини пасайтиради, чигитнинг шикастланиши ортишига сабаб бўлади. Натижада тола сифати ҳам ёмонлашади. Қолаверса чала жинланган чигит толасининг умумий масса таркибида тўлиқ ажратиб олиш эҳтимоли паст. Шунинг учун бундай чигитларнинг асосий қисми жин машинаси камерасидан ўзгаришсиз қайтиб чиқади. Шу сабабдан кўпчилик пахта тозалаш корхоналари регенераторлардан фойдаланмайдилар ва чала тозаланган чигит линтер машинасига узатилади ҳамда узун толалар линт билан биргаликда чигит юзасидан қириб олинади. Натижада линт таркибида узун йигиришга яроқли толалар пайдо бўлади. Бу ўз навбатида аввало қимматбаҳо тўқимачилик хомашёсининг линтга қўшилиб кетиши ва нобуд бўлишига, иккинчи томондан линт таркиби узунлиги бир хиллигининг йўқолиши натижасида сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлади. Бундан ташқари жинлаш ва тола тозалашдан чиққан толадор чиқиндилар таркибида бир нечта фракцияларга эга саноатда ишлатиш имконияти ҳамда йигиришга яроқли бўлган толалар ҳам чиқинди таркибидан ажратиб олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли йўқотилади.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш, толаларни нобуд бўлишини камайтириш ва линт сифатини яхшилаш мақсадида жин-линтер технологик жараёнларидан кейин ташувчи пневмоқувурлар йўлига толадор аралашмалар таркибидан толаларни ажратиш оладиган қурилма ўрнатиш таклиф қилинди. Қурилмани ишчи органлари айланишида чизиқли тезлиги ҳаво тезлигидан каттароқ бўлган, яхлит металл аррачали лента (ЦМПЛ) кўринишидаги гарнитура билан қопланган ва узун толаларни ушлаб қоладиган ажратувчи барабан ва ундан узун толаларни ажратиш олувчи чўткали барабандан иборат бўлиши тавсия этилди.

Ажратувчи барабан гарнитурасининг тури ва геометрик параметрларини тўғри танлаш узун толаларни ажратиш жараёнини яхшилашни таъминлайди. Лекин ҳозиргача ажратувчи барабан гарнитурасининг геометрик параметрлари назарий томондан асосланмаган. Тадқиқотдаги илмий тадқиқот ишлари натижаларининг таҳлиллари асосида янги қурилмани тавсия қилиш, унинг конструкциясини ишлаб чиқиш ва технологик параметрларини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун биринчи навбатда янги технологияда ишлайдиган қурилманинг технологик схемасини яратиш лозим бўлади.

Илмий тадқиқот ишида бир нечта конструкциялар кўриб чиқилди. Мазкур конструкциялар схемаларини яратишда пахта тозалаш ва тўқимачилик корхоналари технологик жараёнларида ишлаб турган турли машиналар ишчи органларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг масъулиятли қисми яратилган конструкциялардан энг мақбулини тадқиқотнинг кейинги босқичларини давом эттириш учун танлаб олишдан иборат.

1-расмда иккита ажратиш барабанларига эга конструкция тасвирланган. Бу конструкция олдингига қараганда анча содда, ишлаб чиқариш қулай ва технологик жараёнга мураккаблик келтириб чиқармайди.



**1-расм. Икки барабанли ажратиш қурилмаси**

Бу конструкция ишлаганда толали масса таркибидан аррали барабанлар ёрдамида узун толаларни ажратиш имконияти яратилади. Биринчи аррали барабанга келган толали масса таркибидан арралар ёрдамида узун толалар илаштириб олиниб чўткали барабанга келтирилади ва чўткалар ёрдамида


арраларга ёпишган толалар тозаланиб, ҳаво ёрдамида чиқарилади. Толали масса таркибидаги арраларга илинмай қолган узун толалар иккинчи барабан ёрдамида олиниб иккинчи чўткали барабан ёрдамида олинади.

Тадқиқотда бир нечта конструкциялар кўриб чиқилган бўлиб, қурилмалардан энг мақбули қилиб 1-расмдаги қурилма танлаб олинган. Маълумки, тадқиқотда қўйилган вазифа толадор чиқиндилар таркибилан узун толаларни ажратиш ҳисобланади. Толадор чиқиндилар анчагина мураккаб хоссаларга эга бўлиб, уларнинг таркибидан фракцияларни ажратиш, айниқса узун толаларни олиш учун толадор массани титиш лозим бўлади. Шунинг учун кейинги тадқиқотларда юқорида танлаб олинган содда конструкция ишчи органлари таркибига титувчи мослама ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари тадқиқотда яратилган конструкциянинг технологик параметрларини аниқлаш учун моделлаштириш ишларини бажариш орқали қурилма ишчи органларининг мақбул параметрларини аниқлаб олиш керак.

Янги қурилмани яратишда пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнида қимматбаҳо пахта толасининг ўртача 1,5-2 фоизи толали чиқиндилар (момик ва улюк) таркибига қўшилиб кетишини олдини олиш мақсад қилиб олинди. Янги тола ажратиш қурилмасини жорий қилиш орқали корхонада турли жараёнлардан чиқаётган толали аралашмалар таркибидаги узун толаларни ажратиш олиш имконияти яратилади.

Дастлабки ишлаш жараёнида жинлаш, тола тозалаш ҳамда линтерлашдан чиқаётган толали чиқиндилар таркибидан узун толаларни ажратиш қурилмасини яратишни мақсад қилиб олинди. Бунинг натижасида корхонада тола чиқиш миқдори ошади ва корхонага сезиларли иқтисодий самара келтирилади. Бундан ташқари қурилмани жорий қилиш орқали тўқимачилик саноатида ишлатиш мумкин бўлган узун толаларни (16 мм дан узун) чиқиндилар таркибига қўшилишининг олдини олиш имконияти яратилади.

Таклиф қилинаётган қурилма қуйидаги асосий элементлардан иборат: 1-аррали-қабул қилувчи барабан, 2-ЦМПЛли асосий барабан, 3-узун толаларни ечиб олиш учун чўткали барабан, 4-титгичлар, 5-линт учун шахта, 6- кожух, 7-узун тола учун шахта, 8-узун толаларни йўналтиргич, 9-тўрли сирт (2-расм).




**2-расм. Янги тола ажратиш қурилмаси схемаси:**

*а) технологик схемаси, б) умумий кўриниши*

Ушбу қурилма қуйидагича ишлайди: жинлаш ёки линтерлашдан чиққан толали чиқиндилар кириш қувури орқали тўғри аррали қабул қилувчи барабан 1 га келади ва барабан тишлари ёрдамида масса титилиб, узун толалар илиб олинади ва тўрли сирт 9 орқали эгри арра (ЦМПЛ)ли барабан 2 га юборилади. Тўғри игнали қабул қилувчи барабан 1 ён қисмида титгич 4 ўрнатилган бўлиб, у толали массасини яхшилаб титилишини назорат қилади. Бунинг натижасида титилган массадан узун толалар олиш имконияти ошади ҳамда асосий ЦМПЛли барабан 2 га ажралган ҳолда келади, бу ерда арра тишларига илинган толалар чўткали барабан 3 томонга ўтади ва чўткали барабан ёрдамида арралардан сидириб олиниб, узун толалар учун чиқиш қувури 7 орқали чиқарилади. ЦМПЛли барабан 1 га илинмаган калта толалар ва чиқиндилар калта толалар учун чиқиш шахтаси 5 орқали ташқарига чиқарилади.

ЦМПЛли барабан (3-расм) габарит диаметри 560 мм бўлиб, 4-пўлат қопламага игна гарнитураси тортилади, қопламалар 3,7-крестовиналарга маҳкамланган, крестовиналар 7 валга 1-гайка орқали конуссимон втулкалар 1,6 ёрдамида маҳкамланган. Барабан икки ёни шит 2, 5 лар билан ёпилган. Барабан сферик роликли подшипниклар 12 да айланади ва улар корпус 11 га маҳкамланган. Унга шкив 8 орқали ҳаракат берилади, шитлар 10 болтлар билан маҳкамланган. Крестовина тешикларига болтлар ёрдамида ЦМПЛ ўраладиган пўлат қоплама қопланган. Пўлат қопламалар қурилмани оғирлаштирмаслиги учун тешиклар очилиб, нисбатан енгил ҳолатга келтирилган. Бундан ташқари пўлат қоплама барабан ташқи юзасини цилиндрсимон кўринишга келтиради. Крестовина ён томонларига пўлат пластинкалар қотирилган. Пластина билан дисклар оралиғида барабанни динамик мувозанатини таъминлаш учун юк маҳкамланган.


Пластинкаларга 2-бурчакликлар қотирилган. Барабан айланганда мазкур бурчакликлар барабан ўқидан унинг ташқи диаметри йўналишида хаво оқимини ҳосил қилади ва шу билан бирга толали материалларни валлар томон кириб кетишига йўл қўймайди.



**3-расм. ЦМПЛли барабан схемаси**

1,6- конуссимон втулка, 2,5-ён пўлат қопламалар, 3,7- крестовиналар, 4-пўлат қоплама, 8-шкив, 9-вал, 10-болт, 11-подшипник корпуси, 12- подшипник

ЦМПЛли барабанларда энг кўп кучланиш остида бўладиган детал пўлат қопламалар ҳисобланади. Пўлат қопламаларни кўп таянчли балкалар деб қараш мумкин (4-расм.)



#### 4-расм. ЦМПЛли барабани ҳисоблаш схемаси

Бунга 1-1 кесма мисол бўлади ва ундаги эгувчи момент қуйидагига тенг:

$$M_{\max} = 0,107 qa^2 + 0,54Pa, \quad (1)$$

бунда:  $P$  – игнага таъсир қилувчи марказдан қочма куч;  
 $q$  – пўлат қопламаларга тушаётган кучланиш интенсивлиги;  
 $a$  – таянчлар орасидаги масофа.

$$P = m\omega^2 r, \quad H \quad (2)$$

бунда:  $m$  - пўлат қопламалар ва аррали гарнитураларнинг  $10 \text{ см}^2$  юзадаги массаси, кг;  $\omega$  - ЦМПЛли барабанининг ҳисобий айланиш тезлиги (ишчи тезликдан 20% юқори, 1/с);  $r$  - оғирлик марказидан ЦМПЛли барабан ўқигача бўлган масофа, м.

Мустаҳкамлик захираси  $[\delta_T]=2,03$ . Дастлабки берилган катталикларни инобатга олиб ингали барабан мустаҳкамлигини ҳисоблаймиз:

$$q = \frac{60}{0,25} = 240, \quad H / m, \quad W_x = \frac{0,002^2(0,3 - 0,03)}{6} = 0,15, \quad H$$

$$\sigma_{\max} = \frac{M_{\max}}{W} = \frac{0,19}{0,15} = 1,2$$

Янги қурилманинг ЦМПЛли барабани валини ҳисоблашнинг бу усули материаллар қаршилиги қонуниятларига асосланган бўлиб, валнинг хавфли кесимининг диаметри келтирилган момент асосида, келтирилган момент эса эгувчи ва буровчи моментлар асосида аниқланади.

Валнинг эскизини чизиб, тахминан ҳисоблаш учун эмперик формула ёрдамида ёки буровчи момент таъсирини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин:

$$P_{ук} = \frac{M_u^2}{\left[ \frac{\pi d l^2}{12} + \mu_1 d l \left( d + \frac{1}{2} \right) \right]^2} + \frac{M_{K \max}^2}{\left\{ \frac{\pi d^2 l \mu^2}{2} \right\}} \quad (3)$$

Бунда:  $M_u$  - валнинг эгувчи моменти;

$M_{K \max} = 2M_{Кннo}$  - энг катта ва қисқа муддат таъсир қилувчи момент;

$d$  - валнинг ғовак қисмини ташкил этувчи диаметри;

$\mu_1, \mu_2$  - ўқ бўйлаб ва айланишдаги ишқаланиш коэффицентлари;

$l$  - детални брикма ҳосил қилувчи ўтқазмасидаги узунлик.

Тиғиз ўтказишдаги бириктирилган детал юзаларига таъсир қилувчи контактли босими қуйидаги тенгламадан аниқланади:


$$P_n = \frac{\frac{\Delta}{d}}{X \frac{1}{E_1} (1 - \mu_1) + \frac{1}{E_2} \left( \frac{1 + K_2^2}{1 - K_2^2} + \mu_2 \right)} \quad (4)$$

Бунда:  $K_2 = \frac{r_1}{r_2}$  – вал ғовак қисмининг ички ва ташқи радиуси;

$X$  –коэффициентни,  $X = 1$  деб қараш мумкин чунки,  $\frac{1}{d} > 1$

$E_1, E_2$  –цапфа ва вал материалнинг қовушқоқлик модули;

$\Delta$  - деталлар орасидаги тиғиз ўтказиш кўрсаткичи.



**5-расм. Валнинг критик айланиш тезлигини ҳисоблаш схемаси**  
 а)-валнинг деталлар маҳкамланган икки таянчдаги ўзгарувчан кесими,  
 б)-эквивалент валнинг доимий кесими.

5-расмда (а), ўзгарувчан кесимли балкани (б) -доимий кесимли балкага алмаштирамиз, натижада:  $q_{эқв}$  - валнинг хусусий эквивалент массаси;

$J_{эқв}$  - валнинг эквивалент инерция моменти ва  $m_i$  ва  $J_i$  - валга маҳкамланган деталлар ва уларнинг вални эркин ўқига нисбатан инерция моменти;

$l$  - вал таянчлари орасидаги масофа.

У ҳолда системанинг хусусий айланма частотаси:

$$\rho = \sqrt{\frac{2U_o}{L}} \quad (5)$$

Бунда:  $U_o$  - валнинг силжиш амплитудасидаги потенциал энергияси

Валнинг хусусий оғирлигини инобатга олиб, умумий силжиш амплитудаси ва унинг бурилиши:

$$L = \sum m_i y_i^2 + \int_0^l q_{эқв} y^2 dx + \sum J_i \theta_i^2 = f^2 \left[ \sum m_i \sin^2 \frac{\pi x_i}{l} + \frac{q_{эқв} l}{2} + \frac{\pi^2}{l^2} \sum J_i \cos^2 \frac{\pi x_i}{l} \right] \quad (6)$$



(2.6) тенгламадан  $U_o$  ва (6) дан  $L$  ни (5) тенгламага қўйсақ, қуйидагини оламиз:

$$\rho = \sqrt{\frac{2 \frac{\pi^4 EJ_{\text{эқв}}}{4d^2}}{\frac{q_{\text{эқв}} l}{2} + \sum m_i \sin^2 \frac{\pi x_i}{l} + \frac{\pi^2}{l^2} \sum J_i \cos^2 \frac{\pi x_i}{l}}} \quad (7)$$

Тенгламани қулай ечимини топиш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\mu_i = \frac{m_i}{q_{\text{эқв}} l}, \quad x_i = \frac{J_i}{q_{\text{эқв}} d^3}$$

У ҳолда қуйидагини оламиз:

$$\rho = \pi^2 \sqrt{\frac{EJ_{\text{эқв}}}{q_{\text{эқв}} l^4}} \cdot \sqrt{\frac{1}{1 + 2 \sum \mu_i \sin^2 \frac{JLx_i}{l} + 2\pi^2 \sum x_i \cos^2 \frac{\pi x_i}{l}}} \quad (8)$$


(8) тенгламани ечиш учун  $J_{\text{зев}}$  ва  $q_{\text{эқв}}$  ларни топиб олиш керак бўлади:

$$J_{\text{зев}} = (J_1 - J_2) \phi\left(\frac{a_1}{l}\right) + (J_2 - J_3) \phi\left(\frac{a_2}{l}\right) + \dots + (J_{n-1} - J_n) \phi\left(\frac{a_{n-1}}{l}\right) + J_n \quad (9)$$

$$q_{\text{эқв}} = (q_1 - q_2) \phi\left(\frac{a_1}{l}\right) + (q_2 - q_3) \phi\left(\frac{a_2}{l}\right) + \dots + (q_{n-1} - q_n) \phi\left(\frac{a_{n-1}}{l}\right) + q_n \quad (10)$$

Вал ўқи бўйлаб чўзилиш кучланишини инобатга олсак у қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\rho = \pi^2 \sqrt{\frac{EJ_{\text{эқв}}}{ql^4}} \cdot \sqrt{\frac{1}{1 + 2 \sum \mu_i \sin^2 \frac{\pi x_i}{l} + 2\pi^2 \sum x_i \cos^2 \frac{\pi x_i}{l}}} \sqrt{1 + \frac{A_0}{P_k}} \quad (11)$$



**6-расм. ЦМПЛли барабан валининг критик айланиш тезлигини аниқлаш схемаси**

ЦМПЛли барабан валини кўндаланг тебранишидаги критик тезлигини аниқлашда вал - аррали гарнитура, қоплама, шайба ва гайкалар кўринишида умумий тенг тақсимланган кучланиш таъсирида, валнинг консол қисмига муфта ва шкивлар томонидан оғирлик кучи  $G = 100 \text{ Н}$  таъсири остида бўлсин.

Ҳисобни амалга ошириш учун қуйида келтирилган схемадан фойдаланимиз (6-расм). Қуйида ҳисоблаш учун берилганлар келтирилган:

Вал материалнинг қовушқоқлик модули:  $E = 2,1 \cdot 10^7, Н / см^2$

Эквивалент вал оғирлигига муфта ва шкивлар оғирлиги нисбати:


$$\mu_1 = \frac{G_1}{gq_{экс}l} = \frac{100}{980 \cdot 1,854 \cdot 10^{-2} \cdot 174} = 0,574$$

$$\rho = \pi^2 \sqrt{\frac{2,1 \cdot 10^7 \cdot 49,1}{1,554 \cdot 10^{-2} \cdot 1,74 \cdot 10^8}} \sqrt{\frac{1}{1 + 0,248 \cdot \sin^2 \frac{3,14 \cdot 157}{174}}} = 63 \frac{1}{сек};$$


У холда:  $V_{кр} = \frac{P}{2\pi} = \frac{63}{6,28} = 10,3 Гц$ . Бундан:  $n_{кр} = v_{кр} \cdot 60 = 10,3 \cdot 60 = 618$  айл/мин.

Аррали гарнитураларининг вал ўқи бўйлаб чўзилиш кучини инобатга олсак:

$$A_0 = 2000 Н. \quad n'_{кр} = n_{кр} \sqrt{1 + \frac{A_0}{P_K}} = 618 \sqrt{1 + \frac{2000}{348620}} = 618 \cdot 1,003 = 620 \text{ айл/мин}$$




**7-расм. Вал критик айланиш тезлигининг унинг ўқи бўйлаб тебраниш частотасига боғланиш графиги**



**8-расм. Валнинг турли диаметрларида эквивалент валнинг хусусий массасини эквивалент инерция моментига боғланиш графиги**

Вални бикрликка ва титрашга чидамлилигини ҳисоблаш натижасида, валларнинг даврий юкланиш натижасида тебранишга бардошлилигини аниқланди. Ушбу тадқиқот асосида вал критик айланиш тезлигининг унинг ўқи бўйлаб тебраниш частотасига боғланиш графиги олинди (8-расм). Валнинг критик айланиш частотаси орқали унинг ўқи бўйлаб тебраниш частотаси аниқланди ва у  $\nu_{кр} = 10,3 \text{ Гц}$  ни ташкил этади.




**9-расм. ЦМПЛли барабандаги марказдан қочма кучнинг барабан хавфли зонасидаги мустаҳкамлик захирасига боғланиш графиги**

ЦМПЛли барабанни мустаҳкамликка ҳисоблаш натижасида, кўпроқ кучланиш остида бўладиган пўлат қоплама ҳисобланади ва игнали барабаннинг мустаҳкамлик захираси  $[\delta T]=2,03$ , бунда ( $\delta T=0,8-2,5$  чегарасида бўлиши керак) эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг учинчи «**Чиқиндилар таркибидан тола ажратиш қурилмасининг технологик параметрларини аниқлаш**» бобида қурилманинг асосий ишчи органларида тола ҳаракати ва таъсирлашуви ҳамда оптималлаштириш усулида технологик параметрлари аниқланган.

Янги қурилманинг асосий ишчи органи бу ЦМПЛли барабан бўлиб, у толаларни чиқиндилар таркибидан ажратишга ёрдам беради. Шунинг учун диссертацияда турли массадаги толаларнинг ЦМПЛли барабандан ажралиб чиқиши жараёнини назарий ўрганилди. Арранинг радиусини  $R$  (м), унинг айланиш тезлигини  $\omega$  ( $\text{сек}^{-1}$ ), игна узунлигини  $l$  (м) деб олайлик.

Ҳаво оқимининг қувурдаги тезлигида  $\nu_0$ , толалар эса  $\nu_1$  тезлик билан барабанга тушсин. Қуйидаги фаразларни қабул қиламиз: ҳавонинг тезлиги ўзгармас бўлиб, толаларга арралар йўналишида таъсир қилсин; толалар даставвал узунлиги  $r_0$  бўлган тиш бўйлаб ҳаракатда бўлиб, сўнгра  $l_0$  масофани босиб ўтгандан сўнг эркин ҳаракат қилсин. Назарий йўл билан толаларнинг ҳаракатини ва уларнинг арра устида (массасига қараб) бўлиш вақтини топамиз.



### 10-расм. Массаси $m$ бўлган толанинг арра устидаги ҳаракати схемаси

Шунинг билан бирга толаларнинг тиш билан биргаликда ҳаракат қилиши учун мос келадиган арра бурчак тезлигини ҳам аниқлаймиз. Координата бошини арра тишининг марказида жойлаштириб,  $ox$  ўқини ўнгдан чапга,  $oy$  ўқини унга перпендикуляр қилиб, пастдан юқорига йўналтирамиз (10-расм). Фараз қилайлик тола ихтиёрий  $t$  моментда арра устида  $BM = r$  масофада ҳаракат қилсин.

Барабан радиуси билан арра йўналиши орасидаги бурчакни  $\beta$  деб қабул қиламиз.  $M$  нуқтанинг координаталарини  $(x, y)$  билан белгилаймиз.

Бу кучлардан ташқари толага марказдан қочма куч  $m(R + r \cos \beta)\omega^2 \cos \beta$  ҳавонинг сўриш кучи  $F_0 = c(v_0 - \dot{r})$  ( $v_0$  - ҳавонинг арра йўналишидаги тезлиги,  $c$  - ҳавонинг қаршилик коэффициенти) таъсир қилади. Бу кучларни эътиборга олиб толанинг игна бўйлаб ҳаракати тенгламасини ёзамиз:

$$m\ddot{r} = m(R + r \cos \beta) \cos \beta \omega^2 - mg \sin(\alpha_0 + \omega t + \beta) - f[2m\omega\dot{r} \cos \beta + mg \cos(\alpha_0 + \omega t + \beta)] - fm(\cos \beta + R)\omega^2 \sin \beta + c(v_0 - \dot{r})$$

Бу тенгламани қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\ddot{r} + \dot{r}(2\omega \cos \beta + \gamma) - r\omega^2(\cos \beta - f \sin \beta) \cos \beta = R\omega^2(\cos \beta - f \sin \beta) - g[\sin(\alpha_0 + \omega t + \beta) + f \cos(\alpha_0 + \omega t + \beta)] + \gamma v_0 \quad (12)$$

Ҳисоблашда  $t_1 = 0.0125$  сек келиб чиқади. Бундан графикларни таҳлил қилиб, массалари  $m = 0,1$  г ва  $m = 0,2$  г бўлган толалар аррада сақланмаслиги аниқланди.

